

ЖАҲОН ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ НАМУНАЛАРИДА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ

Хайруллаева К.Р.,

Бухоро Давлат тиббиёт институти.

✓ Резюме

Ушбу мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон ва ўзбек адабиётининг нодир намуналарида буюк шоҳ ва саркарда, тенгсиз ёзувчи ва шоир, санъат, боғдорчилик ҳамда қурувчилик соҳаларининг ҳақиқий мутахассиси сифатидаги образи талқини турли ҳаётий мисоллар билан келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Заҳириддин Муҳаммад Бобур, турклар, мўғуллар, шоҳ, саркарда, шоир, ёзувчи, бастакор, мусиқанавис, боғдорчилик, қурувчилик.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ОБРАЗА ЗАХИРИДДИНА БАБУРА В МИРОВОЮ И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

Хайруллаева К.Р.,

Бухарский Государственный медицинский институт.

✓ Резюме

В этой статье представлены различные примеры образа Захириддина Мухаммада Бабур в редких образах мировой и узбекской литературы как великого царя и полководца, непревзойденного писателя и поэта, настоящего знатока искусства, садоводства и строительства.

Ключевые слова: Захириддин Мухаммед Бабур, турки, монголы, король, полководец, поэт, писатель, композитор, писатель музыки, садоводство, строительство.

INTERPRETATION OF ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BABUR'S IMAGE IN WORLD AND UZBEK LITERATURE

Khayrullayeva K.R.,

Bukhara State Medical Institute.

✓ Resume

This article presents various examples of Zahiriddin Muhammad Babur's image in the several examples of world and Uzbek literature as a great king and commander, an unmatched writer and poet, a true expert in the arts, gardening and construction.

Key words: Zahiriddin Muhammad Babur, turks, mongols, king, commander, poet, writer, composer, music writer, gardening, construction.

Долзарблиги

Инсоният тарихига назар солар эканмиз, шунинг гувоҳи бўлишимиз мумкинки, ўтмишдан то ҳозирги кунга қадар жуда кўплаб шоҳ ва саркардалар, шоир ва ёзувчилар, мусиқанавис ва ҳунармандлар яшаб ўтиб дунё тарихида ўз изларини қолдириб кетганлар. Аммо юқоридаги барча сифатларни ўзида мужассамлаштирган, нафақат Марказий Осиё, Афғонистон ва яна Ҳиндистон давлатлари тарихида ўчмас из қолдирган шахс бу - Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Ушбу илмий мақолани ёзишдан асосий мақсад Бобур образининг ўзбек ва жаҳон адабиётидаги талқини ҳамда буюк шахс тимсолига бағишлаб ёзилган асарлар таҳлилидир.

Асосий қисм.

Машҳур ёзувчи сифатида ҳам танилган Бобурнинг ўзи томонидан ёзиб қолдирилган автобиографик асар ҳисобланган "Бобурнома" ҳамда бошқа бир неча китобларда келтириб ўтилганидек, Заҳириддин 1483-йилнинг 14-феврал санасида Фарғона ҳудудида, Темурийлар авлодидан бўлмиш Умар Шайх Мирзо оиласида таваллуд топган. Аммо ҳинд ёзувчиси С.М.Жаффар қаламига мансуб "The Mughal Empire from Babur to

Aurangzeb" ("Бобурдан Аврангзебгача бўлган даврда Мўғул Империяси") номли асарда Заҳириддиннинг 1483-йилнинг 24-февралда таваллуд топганлиги хусусидаги бироз хато маълумот ҳам учрайди. [1]

Бобурнинг ўзи томонидан берилган маълумотларга қўра унинг ота томонидан бобоси Абу Саид Мирзо аслида Султон Муҳаммад Мирзонинг ўғли бўлган, у эса Амир Темурнинг учинчи ўғли бўлмиш Султон Мироншоҳ авлодидандир. Заҳириддиннинг падари бузрукворлари Умар Шайх Мирзо Султон Абу Саид Мирзонинг тўртинчи ўғли бўлиб, жуда сахий инсон сифатида танилган ҳамда кабутарларни боқиш унинг сеvimли машғулотларидан бири ҳисобланган. [4]

Бобурнинг мўғуллар авлодидан бўлганлиги хусусидаги маълумотлар кўпгина асарларда келтирилган. Бунинг асосий сабаби Заҳириддиннинг оналари Қутлуг Нигор Хоним Юнус Хоннинг иккинчи қизлари бўлган, Юнус Хон эса Мўғул босқинчиси Чингиз Хоннинг иккинчи ўғли Чигатой Хон авлодидан бўлган [2]. Жуда кўп инглиз ва ҳинд адабиёти намуналаридан олинган адабиётларда Бобур томонидан Ҳиндистонда асос солинган давлат "Мўғуллар Империяси", Бобурнинг ўзи эса мўғуллардан бўлганлиги таъкидлаб ўтилган, аммо Бобурнинг асли ота тарафдан Темурийлар авлоди эканлиги жуда кам адабиётларда келтириб ўтилган. Ҳатто, Бобур ҳақида ёзилган кўплаб

инглиз ва ҳинд асарлари ҳам "Мўғул империяси асосчиси", "Буюк Мўғулларнинг биринчи вакили", "Бобур - буюк мўғуллардан бири" сингари номлар билан аталган. Аммо Заҳириддиннинг ўзи ҳам уни "Мўғул" деб аташларини унча хуш кўрмаган, у ўзини доим, аввало, "Темурий" деб ҳисоблаган ва ҳаттоки автобиографик асари "Бобурнома" да ҳам ўзини фақат "Темурий" сифатида талқин қилиб кетган.

Бобур ўзига хос фазилятларини аждодлари, Марказий Осиё халқлари бошига турли офат, мусибатларни солган бераҳм, шафқатсиз босқинчилар ҳисобланмиш Чингиз Хон ҳамда Амир Темурлардан мерос қилиб олган. Жумладан, туркларга хос бўлган жасорат ва мардлик, Мўғулларга хос бўлган чексиз кучқудрат Бобурнинг қонига сингиб кетган [5].

Туғилган пайтида бўлажак шоҳга "Заҳириддин", яъни "Эътиқод ҳимоячиси" маъносини ифодаловчи арабча ном берилган. Аммо набирасининг арабча исмини тўғри талаффуз қила олмаган бобоси Юнус Хон уни "Бобур", яъни "Кичик йўлбарс" деб атаган, шу тариқа ушбу исм Заҳириддинга бутун умр йўлдош бўлди. Бобурнинг волидалари унинг таълим-тарбиясига жуда катта эътибор қаратганлар. Қутлуғ Нигор Хонимнинг ўзлари турк ва форс тиллари бўйича кўп билимга эга бўлганлар. [3] Шу сабабдан ҳам Бобур ёшлик чоғларидан маданият, тарих, адабиёт, дин соҳалари бўйича кучли билим эгаллади, зеро унинг ўзи ҳам чексиз зеҳн ва зукколик эгаси бўлган. Заҳириддин 3 тил, яъни турк, форс ва араб тиллари бўйича мутахассис бўлган. Бундан ташқари унинг воқеаларни таҳлил қилиш бўйича қобилияти бўлган, қандайдир сирли ҳодиса содир бўлса, уларнинг тагига етишда тенгсиз бўлган.

Бобур ёшлигидан доимо спортнинг бир неча турлари, овга чиқиш, қаттиқ жисмоний машқлар, сузиш каби машғулотлар билан банд бўлган. Шу каби қизиқишлари унинг келажакда буюк аждодлари сингари тенгсиз саркарда бўлиши учун хизмат қилди. Stephen Meredith ўзининг "Babur: diarist and despot" асарида келтирган маълумотларга кўра Бобур Ҳинд юртида бўлган чоғларида Ганга дарёсини бир неча маротаба сузиб ўтиш имкониятига эга бўлган. Машҳур ўзбек адиби Пиримқул Қодиров ҳам ўзининг "Юлдузли тунлар" романида Заҳириддиннинг спорт машқлари билан мунтазам шуғулланганига урғу бериш мақсадида ушбу фикрларни ёзиб ўтган: "Чорбоғ ичида ўн икки ёшлик Бобур Мирзо чавандозлик машқлари ўтказмоқда. У чорбоғ четидаги ялангликдан бўз отни чоптириб чиқди-ю, бирдан жиловни қўйиб юборди. Камонга чаптастлик билан ўқ ўрнатди ва чопиб бораётган от устидан нишонга отди. Ёй ўқи нишон ёғочига "тақ" етиб урилгани баралла эшитилди." Шунча ҳарбий юришларни олиб боргани, Амир Темур салтанатини қайта тиклаш йўлидаги ҳаракатлари, Самарқандни 3 маротаба эгаллагани, кам сонли аскарлари билан ўз зукколигини ишга солган ҳолда Хуросонда ва яна Ҳинд диёрида ҳам янги империяларга асос солганлигини ҳисобга олган ҳолда Заҳириддинга "Бобур", яъни "Йўлбарс" номи берилганлиги ҳам бежизга эмас эди.

Буюк шоҳ сифатида Бобур доимо ўз халқининг турмуш тарзи, соғлом ҳаёт кечириши хусусида қайғурган. Бунга мисол қилиб шунини айтиш мумкинки, Бобур илк маротаба Самарқандни қўлга киритган вазиятда амакиси Султон Али томонидан қалъа қамал остига олинади. 100 кунлик қамал даврида, қиш кунлари бўлганлиги сабабли оддий аҳоли кўп офатларга

дучор бўлди. Шундай бир вазиятда, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мақсадида Заҳириддин ҳаттоки саройда мавжуд озиқ-овқат заҳиралари, подшоҳга тегишли хазиналарни сарфлашдан ҳам қайтмайди ва шу орқали душман қамалининг салбий таъсиридан оддий фуқароларни сақлаб қола олди. Яна бир мисол: Заҳириддин буюк Ҳинд ўлкасини ўз бошқаруви остига олар экан, ҳеч қачон у ерда ўз юртидаги каби солиқларни оддий фуқародан ундириш ниятида бўлмаган [7].

Заҳириддин ҳар бир юришни олиб боришда барчасини режалаштириб, узоқни кўзлаб иш олиб борган ва бунинг натижасида кўп ҳолларда кўзланган мақсадга эриша олган. Бунинг исботи сифатида шунини айтиш мумкинки, Ҳинд юртини эгаллаш учун ҳаракатлар жараёнида подшоҳ Иброҳим Лўдига қарши юришлар даврида кам сонли, атиги 12,000 кишилик қўшини билан душманнинг 100,000 кишилик армиясини мағлуб эта олган [9].

Аввало, инсон сўнгра турмуш ўртоқ ҳамда ота сифатида ҳам Заҳириддин буюк қалб соҳиби бўлган. Жумладан, ҳар иккала авлод қариндош - уруғларига нисбатан садоқат ҳисси Бобурнинг энг муҳим ички фазилятларидан бири бўлган. У доимо ўз ака-укаларига саҳийлик ва ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлган. Бир марта Қамбар Али Бобурга мўғул хонларидан воз кечиб, Аҳмад Тамбалга қўшилишни таклиф қилганда Заҳириддин шундай жавоб беради: "Шу тўғри бўладими?! Бу хонлар менинг қон-у қариндошларим. Тамбалга бўйин товлагандан кўра менинг қариндошларимга хизмат қил." Ҳаттоки, ўз укаси Жаҳонгир Мирзо душманлар қўлида ўйинчоқ бўлиб, Андижон тахтини эгаллаб акасига хиёнат қилган пайтда ҳам Бобур укасини авф этади ва қариндошлик алоқаларини узиб юбормайди. Шундан сўнг Қобулга юриш пайтида Боқи Бек Буюк саркардага Жаҳонгирни Хуросонга жўнатиб юбориш орқали ундан қутилишни айтади, аммо Заҳириддин ўз асари "Бобурнома"да шундай жавоб қайтарганлигини айтиб ўтади: "Мен унинг таклифини қабул қилмадим, чунки фирибгарлик ва алдов ўйинлар менинг фазилатимга кирмайди. Мендан ёши каттаими, кичикми, қандай қариндош бўлишидан қатъий назар уларга зиён келтириш менинг табиатимга мос келмайди"[10].

Бобур ўзининг 48 йиллик умри мобайнида 7 маротаба оила қурган, 17 фарзанднинг отаси бўлган, аммо уларнинг 8 таси гўдаклик пайтидаёқ нобуд бўлган. Заҳириддиннинг энг севимли рафиқаларидан бўлмиш Моҳим Бегим Бобурнинг илк ўли Хумоюнни ва қолган 4 фарзандини дунёга келтирган. Гулруҳ Бегим эса Бобур учун 5 фарзандга ҳаёт ато этган. Ота сифатида Бобур жудаям меҳрибон, гамаҳўр ва жонқуяр бўлган. Ўз фарзандлари ҳаёти ва келажаги учун ҳатто ўз жонини фидо қилишда ҳам таб тортмаган. Аввал бошда келтириб ўтилган маълумотлардан маълумки, 1530-йилда, яъни Бобур ҳаётининг сўнгги йилида, бош фарзанди Хумоюн қаттиқ оғриб қолганлигидан азият чекади. Ҳаттоки, рафиқаси Моҳим Бегим, Хумоюннинг онаси, Бобурга ўгли хусусида қайғурмаслигини, бошқа ўғиллари ҳам борлигини таъна қилиб айтганда, Бобур шундай жавоб қайтарган: "Тўғри менинг бошқа ўғилларим ҳам бор, лекин улар Хумоюн эмас. Сиз сизники, меники деганда кимни назарда тутаясиз?! Ахир мен ўз тахтимни бошқа ўғилларимга эмас, Хумоюнга мерос қилиб қолдирмадимми?!" Унинг бу сўзларидан маълумки, Бобурнинг ҳаётида Хумоюннинг ўрни беқийс бўлган. Дунёнинг энг машҳур та-

библари Ҳумоюннинг ҳаёти учун қимматбаҳо "Кўҳи-нур" олмосини қурбонлик қилиб, уларга тақдим этишни тавсия қилганда, Заҳириддин унданда қимматбаҳо ҳисобланган ўз жонини фидо қилишга қарор қилади. Бобур Ҳумоюннинг ётоғи атрофида айланар экан, қуйидаги гапларни хитоб қилади: "Оҳ, Оллоҳим! Агар жон ўрнига жон олинадиган бўлса, менким, Бобур ўз ҳаётимни ва бутун борлигимни ўғлим Ҳумоюн учун фидо қиламан". Шу воқеадан сўнг Ҳумоюннинг аҳволи тўсатдан яхшилана бошлайди, Бобурники эса аксинча ёмонлашади [8].

Ушбу воқеадан инсон бениҳоят таъсирланиб кетади. Бундан кўриниб турибдики, Бобур ота сифатида ҳам беқиёс қалб соҳиби бўлган. Бобур нафақат Ҳумоюнга, балки қолган барча фарзандларига ҳам бирдек меҳр-муҳаббатли бўлган. Ҳаттоки, ўлим тўшагида ётар экан, Заҳириддин ўғли Ҳумоюнга тахтни эгаллагач укаларини ўлдирмасликни, балки уларни ўз қаноти остига олиб, доимо ўз ёнида сақлашни, ғамхўр бўлишни васият қилади.

Бобур доимо ўз ўғилларига ҳокимият бошқаруви, ҳарбий соҳада ўз билим ва малакаларини аямаган. Заҳириддин ўғилларига ҳаёт тажрибалари асосида маслаҳатлар берган ва уларга турли вилоятлар бошқарувини ишониб топширган. Жумладан, Ҳинд юртига юриш бошлашдан аввал Қандаҳор вилояти тахтини ўғли Комронга ишониб топширган. Бундан амин бўламизки, Бобур нафақат тенгсиз шоҳ ва саркарда, балки намунали ота сифатида ҳам ўзбек ҳамда жаҳон адабиётида талқин қилинади.

Энди эса Заҳириддиннинг мусиқанавис, санъатшунос ҳамда табиатшунос сифатидаги образлари талқинига назар ташласак. Бобурнинг шахсан ўзи мусиқаннинг ҳақиқий муҳлиси ва бир неча мусиқа намуналарининг бастакори бўлган. Заҳириддиннинг мусиқа соҳасига бағишлаб яратилган "Мусиқа илми" номли асар ҳам жуда аҳамиятлидир, аммо бу асар бугунги кунга қадар етиб келмаган.

Манбалардан шунга гувоҳ бўлишимиз мумкинки, буюк шоҳ табиат бўйлаб турли сайрлар, янги жойларга уюштирилган турли саёҳатларни жуда хуш кўрган. Балким, шу қизиқиши туфайли, тақдир Заҳириддинни ўз юртидан жудо бўлиб, сарсон-саргардонликда ўзга юртларни кўришни пешонасига битиб қўйгандир. Мана шу сеvimли машғулоти туфайли Бобур Қобулда, Аграда ва Ҳиндистоннинг турли ҳудудларида бетакрор боғларнинг муаллифига айланди. Тенгсиз ёзувчининг "Хотиралар" автобиографик асаридида келтиришича ўсимликлар, гулларга қизиқиши натижасида Қобул яқинида "Боғи Вафо", "Боғи Калон" каби ўнлаб боғлар, Аграда эса "Рам Боғи", "Зоҳра Боғи" кабиларни яратган ва мунтазам ўз назорати остида сақлаган. Қобулдаги "Вафо Боғида" Бобурнинг ўзи томонидан анор, апелсин сингари бир неча ситрус мевалар ҳам етиштирилган. Аградадаги "Рам Боғи" да эса сув омборлари, ҳаммом, шийпонлар қурдирган, атиргуллар, настаринлар билан боғнинг чиройига чирой қўшган. Ҳаттоки, вафотидан сўнг ўзи томонидан барпо этилган Қобулдаги "Боғи Ором" боғида умрбоқий ором топган. Бобурнинг турли ўсимликларни ўстириши, сув манбалари билан тажрибалар ўтказиши унга "Боғбон Қирол" номининг берилишига сабаб бўлган. Унинг шахсан ўзи Ҳиндистонда "8 жаннатнинг боғлари" да қовун ва узумлар етиштирган [6].

Машҳур Ҳинд ёзувчиси Жаваҳарлал Неру ўзининг "The discovery of India" асаридида келтиришича, Заҳи-

риддин Агра шаҳрини Мўғул Империясининг пойтахтига айлантирар экан, у ерда қайта реконструкция ишларини олиб бориш мақсадида ўша даврда қурилиш соҳасида тенгсиз бўлган Константинопол давлати архитекторлари хизматидан фойдаланган. "Агар Заҳириддин бунданда узоқроқ умр кечирганида ўзининг ажойиб етакчи эканлигини ҳам исботлай олган бўлар эди " деб ёзади С.М.Жаффар ўзининг "The Mughal Empire from Babur to Aurangzeb" ("Бобурдан Аврангзебгача бўлган даврда Мўғул Империяси") асаридида. Ушбу фикрлардан шуни англашимиз мумкинки, Ҳиндистон ёзувчилари томонидан Бобур Ҳинд ўлкаси бошқарувини қўлга киритиш давридаги кўрсатган жасорати туфайли буюк саркарда сифатида талқин этилган бўлса, атиги бир неча йиллик ҳукмронлиги сабабли улуг подшоҳ, буюк етакчи образидида талқин этилмаган.

Заҳириддинни ёзувчи сифатида тасвирлар эканми, унинг ўзи томонидан умри давомида ёзиб қолдирилган ва буюк саркарданинг бутун ҳаёт йўли, ижоди ҳақида маълумот берувчи автобиографик асар ҳисобланган "Бобурнома" ни тилга олишимиз даркор. Машҳур инглиз ёзувчиси Степхен Мередитх "Бобурнома" ни шундай тасвирлайди: "Унинг асосий хусусияти тўғрилигидадир. "Бобурнома" ўз ичига фақат ҳақиқатни қамраб олган. Ҳақиқат, ва яна ҳақиқат, бошқа нарса эмас." Заҳириддиннинг ўзи ҳам "Бобурнома"га қуйидагича таъриф берган: "Мен буларнинг барчасини бировни айблаш ёки шикоят қилиш учун эмас, балки ҳақиқат бўлганлиги учунгина ёздим. Бу хотираларда мен тўлалигича аниқ бўлмаган бирор маълумотни айтиб ўтмадим."

Заҳириддин ўзининг барча лирик шеърят намуналарини жамлаган ҳолда 1519-йилда "Қобул девони" ни, 1528-1529-йилларда "Ҳинд девони" ни яратди. Манбаларда келтирилишида, буюк шоир томонидан яратилган шеърларнинг жами сони 400 та бўлиб, уларнинг 119 таси ғазал жанрида, 231 таси эса рубоий жанрида ёзилган. Бундан ташқари Бобур сиёсат соҳасига оид "Мубаййин-и-закот" асарининг ҳам муаллифи бўлиб, 1521-йилда давлатдаги солиқ тизими хусусида маълумотлар келтирган [11].

Тилшунослик соҳасида кучли билимга эга бўлган Заҳириддин 1523-1526-йиллар давомида "аруз" илмига бағишлаб "Мухтасар" китобини яратди ва шу кунгача етиб келган бу асар тилшунослар учун беқиёс манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Таржимашунослик соҳасига ҳам қизиқган Бобур Ҳожа Аҳрорнинг "Волидия" асарини форс тилидан турк тилига таржима қилган. Булардан ташқари Бобур ҳарбий соҳадаги ўз билим ва малакаларини баҳам кўриш мақсадида "Ҳарб иши", мусиқа соҳаси ривожига ўз ҳиссасини қўшиш ниятида "Мусиқа илми" каби китобларни ҳам ёзганлиги хусусида маълумотлар сақланиб қолган, аммо ушбу икки маданий-маънавий мерос бугунги кунгача сақланиб қолмаган.

Хулоса

Шубҳасиз, биз Марказий Осиёда Бобурдан-да юқорироқ поғоналарда турган шаҳзодаларни учратишимиз мумкин, жумладан, Заҳириддиннинг набираси Акбар, Аврангзеб ва икки буюк аждодлари Чингизхон ва Амир Темур. Аммо Бобурнинг ақлий етуклиги ва ижтимоий яхши фазилатлари; шаҳзода сифатида жуда кам ҳислатларга эга эканлиги; хатлар, асар-

лар, рубоий ва ғазаллар ёзишга муҳаббати; санъат, табиат, қурилиш ва архитектура йўналишларига қизиқишини ҳисобга олсак, ҳеч бир Осиёлик шаҳзода унинг ўрнини боса олмайди. Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги олиб борилган тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, Заҳириддин Муҳаммад Бобур буюк тарихий шахс, шоҳ ва саркарда, ёзувчи ва шоир, табиатшунос ва мусиқанавис сифатида нафақат ўзбек адабиёти балки жаҳон адабиётида ҳам талқин қилинган. "Йўлбарс" нинг ҳаёт йўли хусусида яратилган бир неча илмий ҳамда бадиий адабиёт намуналарида унинг ушбу соҳаларда беқиёс шахс бўлганлиги таъкидлаб ўтилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. З.М.Бобур. Бобурнома.- Тошкент: Юлдузча нашриёти, 1989.
2. П.Қодиров. Юлдузли тунлар.- Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа аксиядорлик махририяси, 2006-543 б.
3. Khayrullayeva K.R. Interpretation of Zahiriddin Muhamad Babur's image in Uzbek and world literature. EPRA International Journal of Research and Development. Volume 5, Issue 5, May, 2020.
4. A.S. Beveridge. Babur-Nama (Memoirs of Babur) Translation. - New Delhi: Taj Offset Press, 1970.- 1040p.
5. H. Lamb. Babur The Tiger: First of the great Moguls. - New York: Doubleday and company inc, 1961- 351p.
6. J. Nehru. The discovery of India.- Oxford, New York: Oxford University Press,1985- P.237-257.
7. S.M. Edwardes. Babur: diarist and despot.-Great Britain: London: A.M. Philpot LTD, 1926- 162p.
8. S.M. Jaffar. The Mughal Empire from Babar Babar to Aurangzeb.- Peshawar: Ripon printing press, 1936- P.9-32.
9. Ruzieva M.K. The role of Robert Burns's works in the literature of the enlightenment period // International Engineering journal for research & development // Vol. 5 Issue 3, April 2020.-P.6-14
10. Kurban B. Shadmanov, Mukhayyo H. Davlatova, Sanam N. Ostonova, AzimaT. Radjabova, English Renaissance: Transformation of Philosophy understanding as a Factor of Information Culture Development of the Epoch. The American scholarly journal Cross-Cultural Studies: Education and Science (CCS&ES), Volume-5, Issue I, March 2020.-P.61-68.
11. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Bobur>

Келиб тушган вақти 09.09.2020